11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс 30% тўлови тушган кундан бошлаб ишларни 50 % гача бўлган ҳажмда бажаради.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **120 кунни ташкил этади.**

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар:

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий қийматининг 30 % миқдорига, аванс ўтказида, бу **117 477 758,10 (бир юз ўн етти миллион тўрт юз етти миң етти юз эллик саккиз) сўм 10 тийинни** ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансларни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 65 % гача доирасида амалга оширади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган қафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорига бажарилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш:

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлаш ва барча шарт шaroитларни яратиб бериш қафолатини олади тан. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этиш учун конунда белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботлатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, шартнома 35 банди 2-чи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини қўриқлаш:

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунча қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари:

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш:

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

ХII. Кафолатлар:

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартлари белгиланган муддатларда бажаришни;
 - лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
 - ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
 - ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;
- объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

ХIII. Шартномани бекор қилиш:

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилганда;
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги:

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,1 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан аниқланган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчинини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорига ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби:

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этаолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар:

66. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ғазначилиги рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари:**“Буюртмачи”**

“Ўрмонқурилиш” давлат унитар корхонаси
Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани,
Дўрмон йўли кўчаси 2 А уй.
Тел: (97) 462-72-00, (91) 956-10-11

Х/р 2021 0000 1009 0056 6001
АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”
Қатортол филиали

МФО: 00 426, ИНН: 305 638 958
Шхв: 100010860262947049801142052

Директор:  **Б.Б.Сафаров**

**Пудратчи:**

"Temurxon Building Consturction Service" МЧЖ

Қашқадарё вилояти, Қарши тумани
Мевазор МФЙ кўрғончаси

“Ипотека банк” АТБ

Қашқадарё филиали.

Х/Р: 2020 8000 6007 9907 9001

МФО: 00190

ИНН: 305 050 544

Тел: (94) 175-77-77, (97) 229-81-15


Директор:  **А.Раҳматуллаев**

**ЮРИДИК ХУЛОСА**

Ушбу шартнома амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 395-сонли қарори билан тасдиқланган 3-иловадаги **“Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир Намунавий пудрат шартномаси”**га ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тайёрланган. Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Бош юрисконсулт:

А.Бозоров.



2022 йил 21 июнь 08/17-ПШ-сонли
шартномага 1-илова

“КИТОБ”

давлат ўрмон хўжалигида суғориш қудугини қуриш объектида қурилиш ишларини
ишлаб чиқариш режа

Ж А Д В А Л И

391 592 527,00

млн. сўм

т/р	Иш тури	Шартнома қиймати бўйича	Ишларни бошлаш ва якунлаш ойлари				октябрь
			июнь	июль	август	сентябрь	
1.	Пойдевор қуриш ва суғориш қудугини уйчасини қуриш	117 477 758,10	117 477 758,10				объектни давлат қабул қилиш
2.	Суғориш қудугини ўрнатиш ишларини олиб бориш	274 114 768,90		91371589,63	91 371 589,6	91371589,63	Далолатномасини расмийлаштириш
	ЖАМИ	391 592 527,00		91 371 589,6	91 371 589,6	91371589,63	

“БҮЮРТМАЧИ”



“ПУДРАТЧИ”



2022 йил 21 июнь 08/17-ПШ-сонли шартномага 2-илова

“КИТОБ”

давлат ўрмон хўжалигида суғориш кудугини қуриш объектида қурилиш ишларини
бўнак (аванс) ва жорий молиялаштириш

Ж А Д В А Л И

391 592 527,00

МЛН. СЎМ

т/р	Иш тури	ЖАМИ шартнома бўйича	Ишларни бажариш ойлари				2023 йил
			июнь	июль	август	сентябрь	
1.	30 % бўнак (аванс) маблағлар билан таъминлаш	117 477 758,10	117 477 758,10				
2.	65 % бажарилган ишлар маълумотномалари (Ф-3) асосида жорий молиялаштириш	254 535 142,55		63 633 785,64	63 633 785,64	63 633 785,64	63 633 785,64
3.	5 % кафолат суммаси	19 579 626,4					19 579 626,4
	ЖАМИ	391 592 527,00	117 477 758,10	63 633 785,64	63 633 785,64	63 633 785,64	19 579 626,4

“БҮЮРТМАНИ”

“ПУДРАТЧИ”





SP 0163186

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ БЎЙИЧА ПОЛИС

«21» июн 2022 йил

Қайд рақами 1300-29/220061

«ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» ҚК АЖ 2022 йил «21» июндаги 1300-29/220061-сонли Шартномага асосан мол-мулкига зарардан, оловдан, табиий офатлардан ва унинг учинчи шахслар олдидаги жавобгарлигига суғурта химоясини тақдим этади.

Суғурта қилдирувчи	«TEMURXON BUILDING CONSTRUCTION SERVICE» MCHJ
Наф олувчи	«Ўрмонқурилиш» давлат унитар корхонаси
Объектнинг номи	«Китоб» давлат ўрмон хўжалигида суғориш кудугини қуриш.
Объектнинг манзили	Қашқадарё вилояти, «Китоб» давлат ўрмон хўжалиги.
Объектнинг қурилиш қиймати (Смета бўйича)	391 592 527,00 (уч юз тўқсон бир миллион беш юз тўқсон икки минг беш юз йигирма етти) сўм.
Суғурта пули	326 320 000,00 (уч юз йигирма олти миллион уч юз йигирма минг) сўм.
Суғурта мукофоти	1 000 000,00 (бир миллион) сўм.
Франшиза (шартсиз)	0,00 % Суғурта пулидан
Учинчи шахслар олдида жавобгарлик :	
Суғурта пули	10 000 000,00 (ўн миллион) сўм.
Суғурта мукофоти	50 000,00 (эллик минг) сўм.
Умумий суғурта мукофоти	1 050 000,00 (бир миллион эллик минг) сўм.
Полис амал қилиш муддати	2022 йил «21» июндан 2022 йил «20» октябр 24-00 гача

«ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» ҚК АЖ 2022 йил «21» июндаги 1300-29/220061-сонли Шартнома бўйича мажбуриятлари 2022 йил «21» июндан кучга киради ва 2022 йил «20» октябргача амал қилади.

«ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» ҚК АЖ

Тошкент вилояти филиал директори

Ф.А. Мирзабаев



С предложениями и замечаниями о качестве наших услуг Вы можете обратиться по телефону доверия (+998) 95 342-45-45

Qurilish-montaj ishlari boshlanganligi haqida xabar berish

Ariza raqami	55437383
Tashkilot	O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi
Berilgan sana	04.07.2022 23:04
Ohirgi o'zgartirish kiritilgan sana	05.07.2022 09:04
Holati	Tayyorlandi
Hozirgi amal	Конец
Tekshirish uchun parol	55171

Ariza beruvchi haqida ma'lumot (Yuridik shaxs)

Yuridik shaxsning nomi	"O'RMONQURILISH" DAVLAT UNITAR KORXONASI
Tashkiliy-huquqiy shakli	Unitar korxonona
Yuridik shaxsning STIR	305638958
Yuridik manzil	CHO`PON OTA MAVZESI, 28 A-UY
MFO	00825
IFUT	70220
Yuridik shaxsning telefon raqami	2105376
Yuridik shaxsning elektron pochta manzili	example@mail.com

Obyekt to'g'risidagi ma'lumotlar

Кадастровый номер	18:04:01:04:01:1008
Obyektning nomi	"Китоб" давлат ўрмон хўжалигида 1-дона суғориш кудугини қуриш
Тип недвижимости	Noturar bino yoki inshoot
Вид недвижимости	Noturar
Obyektning joylashuvi (indeks, manzil, belgi)	Китоб тумани, Буюк ипак йўли кўчаси
Hudud	Qashqadaryo viloyati
Tuman (shahar)	Kitob tumani
Obyekt murakkabligi kategoriyasi	3

Qurilish ishlari turi	Yangi qurilish
Arxitektura va shaharsozlik kengashining protokolining raqami va sanasi	№ 102146/17.06.2022
Qurilish-montaj ishlarining qiymati: yig'ma ekspertiza xulosasiga asosan (QQSiz, buyurtmachining boshqa harajatlari va jihozlarsiz)	332853647
Loyiha-smeta hujjatlarini parallel olib boriladigan qurilish ob'ekti bo'yicha (hukumat qarori, bayoni № raqami va sanasi)	йўқ
Davlat dasturi obyektlari uchun (hukumat qarori, bayoni № raqami va sanasi)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон қарори
Davlat ekspertiza organining nomi	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI «SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI» DAVLAT UNITAR KORXONASI Sirdaryo viloyati
Davlat ekspertiza organining ijobiy xulosasi raqami va sanasi	Sana:06-05-2022 yil Yig'ma ekspert xulosasi № 37984
Pudratchi tashkilotning litsenziyasining raqami va sanasi - ayrim litsenziyalanadigan qurilish-montaj ishlarini bajarishda	"TEMURXON BUILDING CON SER" MCHJ
Ekspertiza organlarining sanoat xavfsizligi bo'yicha ijobiy xulosasi raqami va sanasi - xavfli ishlab chiqarish obyektlari uchun	Ушбу қурилиш хавфли ишлаб чиқариш объекти эмас

Nazorat qiluvchi organlar va mas'ul shaxslar haqida ma'lumot

Qurilish laboratoriyalar mavjudligi haqidagi hujjat	Yuklab olish
Buyurtmachining texnik nazorati, loyiha tashkilotining mualliflik nazorati va pudrat tashkilotining ichki nazorati tayinlanganligi to'g'risidagi buyruq yoki shartnoma nusxalari	Yuklab olish
Buyurtmachining texnik nazorati, loyiha tashkilotining mualliflik nazorati va pudrat tashkilotining ichki nazorat mutaxassislarining sertifikatlari	Yuklab olish
Qurilishni tashkil etish va ishlarni bajarishning tasdiqlangan loyihalari	Yuklab olish

Nazorat qiluvchi organlar va mas'ul shaxslar haqida ma'lumot

#	Tashkilotning nomi	Mas'ul shaxsning F.I.O.	Pasport seriyasi va raqami
1	"ЎРМОНҚУРИЛИШ"ДУК	Исламов Шухрат Халилович	AA3327086
2	«SILVER RAIN PROJECT» MChJ	XALILOV NURIDDIN NU'MONJON O'G'LI	AA4475400

#	Tashkilotning nomi	Mas'ul shaxsning F.I.O.	Pasport seriyasi va raqami
3	"TEMURXON BUILDING CON SER" MCHJ	Raxmatullayev Anvarxon Axmat o'g'li	AB4718149

Ko'rib chiqishga qabul qilish

Ariza ko'rib chiqishga qabul qilinganligi to'g'risida xabar

korib chiqilmoqda

Xizmatning ko'rsatilish natijasi

Qurilish-montaj ishlarini bajarishning sifati va to'liqligi ustidan nazorat funksiyalari tekshiruvini amalga oshirish uchun summa

665708

Inspeksiyaning rekvizitlari

Nazorat ishlari uchun umumiy qiymati 665708 so'm (0.2%) bo'nak (avans) 15% 99856.2 so'm. Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Х/р: 20210000400673602002 МФО: 01177 ИНН: 201599704 «Ҳамкор банк» АТБ Қашқадарё вилояти филиали